

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

\_\_\_\_\_ А.Умаров

202 \_\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

202 \_\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

Рўйхатга олинди: № БД-5112100 -3.01

202 \_\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

**ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА БАДИЙ ЛОЙИҲАЛАШ**

**ФАН ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:**

100000 – Гуманитар соҳа

**Таълим соҳаси:**

110000 – Педагогика

**Таълим йўналиши:**

5112100 – Технологик таълим

<b>Фан/модуль коди</b> XHBLM3004	<b>Ўқув йили</b> 2020-2021	<b>Семестр</b> 5	<b>ECTS - Кредитлар</b> 4	
<b>Фан/модуль тури</b> Мажбурий	<b>Таълим тили</b> Ўзбек/рус		<b>Ҳафтадаги дарс соатлари</b> 4	
1.	<b>Фаннинг номи</b>	<b>Аудитория машғулот лари (соат)</b>	<b>Мустақил таълим (соат)</b>	<b>Жами юклама (соат)</b>
	Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш	60	60	120
2.	<p><b>I. Фаннинг мазмуни</b></p> <p>Фанни ўқитищдан мақсад –талабаларга миллий ҳунармандчилигимиз тарихи, унинг йўналишлари, ривожланиш босқичлари, тармоқлари билан танишириш, шунингдек, ўзбек миллий халқ ҳунармандчилигининг: ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, нақошлик, зардўзлик, каштадўзлик, гилам тўқиши каби соҳалари сирларини ўргатиш, миллий қадриятларимизни ардоқлаш, улар билан фахрланиш, ғурурланиш хисларини ривожлантириш, авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ ҳунармандчилиги усталарининг муносиб давомчилари бўлиш, яратувчанликка, гўзалликка интилиш каби туйғуларни таркиб топтиришдан иборатdir.</p> <p>ўзбек миллий халқ ҳунармандчилиги турлари, каштачилик тарихи, фойдаланиладиган материаллар, асбоб-ускуналар, кашта тикиш технологияси; зардўзлик тарихи, фойдаланиладиган материаллар, асбоб ускуналар, зардоъзлик тикиш усуслари ва технологияси; доъпчилик тарихи ва тараққиёти, ўлчов олиш ва андоза тайёрлаш, фойдаланиладиган материаллар, асбоб-ускуналар, дўппи тикиш усуслари ва тайёрлаш технологияси; қуроқ тикиш усуслари ва тарихи, газлама танлаш, андоза тайёрлаш, тикиш технологияси; дурадгорлик технологияси ҳақида маълумот, ёғоч ўймакорлиги технологияси; чилангарлик технологияси, пичноқчилик технологияси, сандикдоъзлик технологияси, нақошлик технологияси, ганчкорлик технологияси, заргарлик технологияси билан танишиб уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.</p> <p>Фаннинг вазифаси-Давлат таълим стандартига асосан талабаларда назарий билимлар ва амалий кўникмалар, малакаларни шакллантириш орқали инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш.</p> <p><b>II. Асосий назарий қисм</b></p>			

## **II.I. Фан таркибига қуийдаги мавзулар киради:**

### **1-мавзу. Халқ хунармандчилигининг умумий асослари халқ хунармандчилик санъати ҳақида умумий маълумот.**

Кириш. Халқ хунармандчилик санъатининг тарихи ва унинг ривожлариш босқичлари. Халқ хунармандчилиги санъати соҳасида Республикаиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижалари. Ўзбекистонда халқ амалий санъати ва миллий хунармандчиликнинг ривожланиши (Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Шош, Паркан). Халқ хунармандчилиги ва амалий санъат турлари, улардаги умумийлик ва фарқлар. Умумтаълим мактабларида технология машғулотларида ўқувчиларни миллий хунармандчилик ва амалий санъат асосларига ўргатишнинг мазмуни.

### **2-мавзу. Ўзбек миллий халқ хунармандчилиги турлари**

Халқнинг турмуш маданияти ва маънавиятини қўтаришда фаннинг тутган ўрни. Халқ хунармандчилик турлари, унинг тарихи, ривожланиш босқичлари ва ҳозирги вақтдаги имкониятлари.

### **3-мавзу. Бошқа вилоятлар хунармандчиликлари турлари**

Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятлар халқ хунармандчиликлари турлари, ҳозирги аҳволи. Уларни тайёрлашда ишлатиладиган хом-ашё, жиҳоз ва мосламалар.

### **4-мавзу Наққошлиқ санъати.**

Наққошлиқ санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, ҳозирги аҳволи ва имкониятлари. Наққошлиқ мактаблари ва усталари. Наққошлиқда нақш атамалари. Нақш солиши технологияси. Наққошлиқда ишлатиладиган ўлчов асбоблари, ускуналари нақш турлари ва уларда фойдаланиладиган элементлар.

### **5-мавзу Ганчкорлик санъати**

Ганчкорлик санъати тарихи, Ўзбекистонда ганч ўймакорлиги санъатининг ривожланиши, ганч ўймакорлиги турлари. Ганч ўймакорлик мактаблари ва усталари. Ганч ўймакорликда ишлатиладиган маҳсулотлар турлари. материаллар ва асбоб-ускуналар. Нақш намуналари ва композитсия тузиш.

### **6 -мавзу Ёғоч ўймакорлиги санъати**

Ёғоч ўймакорлиги санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, ҳозирги аҳволи ва имкониятлари. Ёғоч ўймакорлиги мактаблари ва усталари. Ёғоч ўймакорлигига нақш атамалари. Ёғочга нақш солиши технологияси. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган асбоблари, ускуналар ва ўлчов асбоблари.

### **7-мавзу Кулолчилик санъати**

Кулолчилик санъати тарихи, Ўзбекистонда кулолчилик санъатининг ривожланиши, ганч ўймакорлиги турлари. Кулолчилик мактаблари ва усталари. Кулолчилик санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, ҳозирги аҳволи ва

имкониятлари. Кулолчилик маҳсулотлари турлари. материаллар ва асбоб-ускуналар.

### **8-мавзу Заргарлик санъати**

Заргарлик санъати тарихи, заргарлик мактаблари ва усталари. Заргарлик буюмлари, заргарлиқда ишлатиладиган материаллар ва асбоблар, заргарлик буюмларини тайёрлаш технологияси.

### **9-мавзу Кандакорлик санъати**

Ўзбек миллий кандакорлик санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, ҳозирги аҳволи ва имкониятлари. Ўзбек миллий кандакорлик мактаблари ва усталари. Кандакорлик маҳсулотлари турлари ва уни тайёрлашда ишлатиладиган ҳом-ашё, жиҳоз ва мосламалар. Мис буюмларининг турлари, бадиий безак турлари.

### **10-мавзу Меъморчилик санъати**

Меъморчилик санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари. Маҳсулот турлари. Ҳом ашё ва материаллар.

### **11-мавзу. Пичоқчилик санъати**

Пичоқчилик санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари. Маҳсулот турлари. Ҳом ашё ва материаллар.

### **12-мавзу. Миниатюра санъати**

Миниатюра санъати, ривожланиш тарихи. Мамлакатимизда замонавий миниатюра санъати ва унинг амалий безак санъатида тутган ўрни. Хаттотлик санъати ҳақида умумий маълумотлар.

### **13-мавзу. График дизайн**

Дизайннинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши, унинг инсон фаолияти ва ҳаётидаги ўрни. Умумтаълим мактабларидаги дизайн таълимининг таълимий ва умуммаданий мазмуни.

График дизайн ва унинг амалий аҳамияти ҳақида маълумот. Ёзувларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари. Унвонли ёзув (эпиграфика) услугбининг пайдо бўлиши.

Шрифтлар. Шрифт ҳақида маълумот: стандарт, бадиий ва мавзу (сюжет)ли шрифтлар. Шрифт ёзувларини бажаришда ишлатиладиган асбоблар ва бўяш материаллари. Плакат пероси, мўйқалам, трафарет ва нормограф каби турли асбоблар ёрдамида шрифт ёзувларини бажариш техникаси.

Лотин шрифтининг ривожланиш босқичлари ва турлари: рим ёзуви, дастлабки ўрта асрлар ёзуви. XII-XV асрлардаги готик ёзувлар, миср услуби ёки понасимон ёзув.

Ҳарф шакли ва уларни ёзиш технологияси. Шрифтларни ёзиш асбоблари ва материалларга боғлиқлиги.

## **14-мавзу. Шрифтларга қўйиладиган функсионал талаблар:**

Шрифтларга қўйиладиган технологик талаблар: ҳарф тасвирининг уни бажариш услуби ва воситалари (перо, мўйқалам, трафарет, полиграфик ёзув)га боғлиқлиги. Меъморчилиқдаги фазовий ёзувлар, қуиши, штамплаш, хурушлаш (травление) услубида бажарилган ёзувлар.

Шрифтларга қўйиладиган нафислик талаблари ва уларнинг композитсияси. Шрифт пропрсияларининг уйғунлиги. Ҳарф ва сўзларнинг жойлашиши, кетма-кетлиги. Қаторларнинг вертикал жойлашуви (Хитой, Корея, Япония). Ҳарф шаклини нақш (безак) унсурлари билан мураккаблаштириш. Сарлавҳа, титул варафи, ёдгорлик ёзувларини бажариш. Ёзувларда симметрия ва асимметрия. Ёзма матнларни бажаришда кўргазмалилик. Ҳарф шаклининг матн мазмунига уйғунлиги. Шрифтнинг образлилиги. Ҳарф шаклининг уни бажариш техникаси билан боғлиқлиги.

## **15-мавзу. Шрифт ёзувларини рангда бажариш технологияси**

Шрифт ёзувларини рангда бажариш. Ёзувларда фон, контраст, иррадиатсия. Рангнинг руҳий таъсири. Ранглар уйғунлиги. Ранг ёрдамида ритм яратиш имкониятлари.

Мавзули шрифтлар ва улардан кўргазмали ташвиқот турларида фойдаланиш. Табиатдан, ҳайвонот олами ва инсон фаолиятидан матнга мос шрифт танлаш.

Трафарет тайёрлаш.

## **16-мавзу. Белги ва рамзлар**

Белги ва рамз (символ)лар. Белги ва рамзларнинг ишлатилиш соҳалари. Белги ва рамзлар тайёрлашнинг асосий принциплари: мазмунга мослиги, симметрия (асимметрия), ритм, ранг танлаш, руҳий таъсиричанлик.

Белги ва ранглар тайёрлаш методикаси: маҳсус адабиётларни ўрганиш, шакл, чизма ва эскиз тайёрлаш, танланган материалнинг енг қулай ҳажмини аниқлаш.

Белги ва рамзлар тайёрлаш усуллари: йиғув (монтаж), аппликатсия. Белги ва рамзлар эскизида ранглар ечимини алоҳида ва бутун серия учун танлаш.

Мактаб (касб-хунар колледжлари) ўқув кабинетлари ва лабораториялари учун тематик белги ва рамзлар тайёрлаш методикаси.

## **17-мавзу. Саноат графикаси.**

Саноат графикаси ҳақида умумий маълумотлар. Товар ва фирма белгиларини тайёрлаш.

Ўрам (упаковка)лар классификатсияси: ички (қутича, флакон, банка, пакет), ташқи (қути, яшик, панжара), маҳсус (қаттиқ, юмшок, ярим юмшок). Ўрам материалларининг хусусиятлари ва ўрам учун материал танлаш. Ўрамга график тасвир, шрифт ва безак танлаш. Ўрамнинг қулай ечимиға таъсир қиласидиган омиллар. Ўрам лойиҳалаш босқичлари ва унинг бадиий график композитсияси.

## **18-мавзу. Бадий лойиҳалаш**

Дизайннинг асосий қоидалари. Буюмлар мұхитини лойиҳалашга қўйиладиган талаблар. Умумийлик, яхлитлик, уйғунлик. Уйғун шакллар яратиш воситалари. Лойиҳалаш хақида умумий маълумот. Ўқув лойиҳаларининг мазмuni. Ўқув лойиҳаларининг турлари ва уларнинг умумий тавсифи. Репродуктив усулда намуна нусхасини кўчириб лойиҳалаш. Мустақил тасаввур ва таҳлил қилиб шакл ва конструксия яратиш. Конструксиялаш турлари: маҳсулот конструксиясини якунлаш, қайта конструксиялаш, янги буюм конструксиясини яратиш. Конструксиялаш турлари бўйича иш жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган талаблар.

## **19-мавзу. Композитсия**

Композитсия қонуниятлари ва воситалари. Композитсия, унинг асосий турлари ва категориялари. Ритм, мувозанат, шаклнинг динамиклиги ва статиклиги, симметрия ва асимметрия, масштаб, пропорция, контраст, нюанс, тектоника. Текисликни безакли трансформатсиялаш.

## **20-мавзу. Бадий лойиҳалашда комбинаторика**

Бадий лойиҳалашда комбинаторика. Шакл композитсиясини ўрганишнинг комбинаторик тамойиллари. Геометрик шакллар асосида безакли комбинаторик элемент ҳосил қилиш. Табиий аналог асосида безакли комбинаторик элемент ҳосил қилиш. Қоғоз, пластилин ва гипсдан комбинаторик элементлар бажариш. Дизайн ва архитектурада комбинаторик элементлар.

## **21-мавзу. Рангшунослик асослари.**

Ранг ва унинг композитсияда тутган ўрни. Рангларнинг психологик таъсири. Ранглар контрасти. Ранглар нюанси. Табиатда рангларнинг вазифаси. Материаллар фактурасини ифодалашнинг тасвирий воситалари. Саноат маҳсулотларини лойиҳалаш босқичлари. Бадий конструкторлик лойиҳасини бажариш методикаси. Эргономик таҳлил. Бадий конструкторлик таҳлили. Лойиҳалаш жараёни. Эскиз бажариш. Лойиҳа графикаси.

## **II. Асосий назарий қисм**

### **II.I. Фан таркибига қўйидаги мавзулар киради:**

#### **Сервис хизмати**

#### **1-мавзу. Қўлда ва машинада кашта тикиш турлари хақида умумий маълумот.**

Қўлда ва машинада кашта тикиш. Қўлда кашта тикишда каштадўзнинг иш ўрнини ташкил этиш. Керакли жиҳоз ва мосламалар. Каштадўзликда қўлланиладиган чокларни тикиш усуллари. Кашта тикиш учун танланган нусхани асос (газлама) га кўчириш усуллари (кўчиргич қофоздан фойдаланиш, тасвир контури бўйлаб қавиқ тортиш, қавиқ контури бўйлаб тешиклар ҳосил

қили шва у орқали қуқун изи тушириш, ёруғлик нусха қўчириш).

## **2-мавзу. Кийимларни кашта билан безаш усуллари.**

Миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуналар тикиш. Аёллар ва болалалар кийимларини кашта билан безаш.

## **3-мавзу. Зардўзлик ҳақида**

Тикув буюмларини зардўзлик усули билан безаш. Зардўзлик маҳсулотлари турлари. Зардўзликда қўлланиладиган жихоз ва мосламалар. Зардўзликда ишлатиладиган чок турлари.

## **4-мавзу. Буюмларни безаш тартиби.**

Чойнак ғилофи шаклини танлаш, уни мосламага жойлаштириш, безак нусхасини танлаш ва безатиш.

## **5-мавзу. Дўппи тикиш технологияси.**

Дўппи тикишда ишлатиладиган материаллар ва безак элементлар. Дўппи учун асос, материал шакли танлаш ва ўлчов олиш. Дўппини бичиб тайёрлаш, тикиш ва безатиш.

## **6-мавзу. Қуроқчилик техникаси.**

Қуроқ тикиш усуллари. Газлама қолдиқларини қуроқ тикишга тайёрлаш. қуроқ композитсиясини тузиш. Тахлама ва ясси қуроқ тикиш.

## **7-мавзу. Гилам ва сават тўқиши санъат**

Гилам тўқиши санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, ҳозирги аҳволи ва имкониятлари. Ўзбек миллий гиламчилик мактаблари ва усталари. Гилам маҳсулотлари турлари ва уни тайёрлашда ишлатиладиган ҳом-ашё, жихоз ва мосламалар.

## **8-мавзу. Тикув буюмларини зардўзлик усули билан безаш.**

Зардўзлик санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, ҳозирги аҳволи ва имкониятлари. Зардўзчилик мактаблари ва усталари.

Зардўз маҳсулотлари турлари ва уни тайёрлашда ишлатиладиган ҳом-ашё, жихоз ва мосламалар. Зардўзликда ишлатиладиган нақшларнинг рамзий маънолари.

## **9-мавзу. Тўқимачилик ва каштачилик санъати**

Каштадўзлик санъати тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, ҳозирги аҳволи ва имкониятлари. Каштадўзлик мактаблари ва усталари.

Каштачилик маҳсулотлари турлари ва уни тайёрлашда ишлатиладиган жихоз ва мосламалар. Каштачиликда ишлатиладиган нақшларнинг рамзий маънолари. маҳсулотларини безаш йўллари.

## **10-Мавзу. Сават тўқиши санъат**

Саватчилик хунари тарихи. Сават тўқишида ишлатиладиган ҳом-ашё, жихоз ва мосламалар. Сават тўқиши услублари.

**III .Амалий машғулотлар бўйича қўрсатма ва тавсиялар**  
**(Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши),**  
**(Мустақил таълим) ўқув режада қўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади**

Амалий машғулотлар учун қуидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Миллий хунармандчилик турлари ва уларнинг ривожланиш тарихини ўрганиш.
2. Халқ амалий санъати турлари, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини, мамлакатимизда шаклланган йирик амалий санъат мактаблари ва хунармандчилик марказларини ўрганиш
3. Гириҳлар. Гириҳ бажариш усулларини ўрганиш.
4. Бўёқлар билан ишлаш. Улги (ахта) тайёрлашни ўрганиш
5. Ислими нақшлар, уларда ўсимлик шаклларининг қўлланилиши ва ислими нақшларни бажариш усулларини ўрганиш.
6. Оддий нақш элементларини қаламда чизиш ва бўяш. Лентасимон нақш тузиш ва уни бўяшни ўрганиш
7. Учбуручак ичида нақш композитсиясини тузиш ва уни бўяшни ўрганиш
8. Тўртбуручак ичида нақш композитсиясини тузиш ва уни бўяшни ўрганиш
9. Айлана ичида нақш композитсиясини тузиш ва уни бўяшни ўрганиш
10. Гулли гириҳ композитсиясини тузиш ва уни бўяш ўрганиш
11. Шрифт ёзиш асбоблари ва уларда ишлаш техникаси. Стандарт (чизма, архитекторлар ва компьютер) шрифтларини ўрганиш.
- 12.Бадиий шрифтлар ва уларни бажаришга қўйиладиган талабларни ўрганиш.
- 13.Мавзули шрифтлар ва уларни бажаришга қўйиладиган талабларни ўрганиш.
14. Таклифнома, очиқ хат (открытка), деворий газета, реклама лавҳа (шит) ларда шрифтлардан фойдаланишни ўрганиш
- 15.Ифодали шрифт ва матнли плакат эскизини тайёрлашга қўйиладиган талабларни ўрганиш
- 16.Шрифтлардан бадиий безаш (китоб муқовалари, синф ва аудиторияларнинг кўрсаткичлари, ...) ишларида фойдаланишни ўрганиш
17. Бадиий лойиҳалашда композитсион уйғунликни ўрганиш
18. Композитсион қатор, ранг ва ритмдан фойдаланиб безакли композитсиялар тузишни ўрганиш
19. Таълим муассасаларидаги ўқув хоналари, кабинетлар ва лабораториялар кабилар учун белгилар тайёрлашни ўрганиш
- 20.Товар белгиларининг турлари, уларни тайёрлашга қўйиладиган

талабларни ўрганиш

21.Фирма ва корхоналарнинг белги ва рамзлари, уларни бажариш усулларини ўрганиш

22. Макет тайёрлаш усулларини ўрганиш

23. Уй-рўзгор буюмлари конструксиясини такомиллаштиришни ўрганиш.

24. Ёғочга нақш солиш технологиясини ўрганиш

25.Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган асбоблари, ускуналарни ўрганиш

26. Заргарлик буюмлари, заргарликда ишлатиладиган материаллар ва асбоблар, заргарлик буюмларини тайёрлаш технологиясини ўрганиш

27. Кулолчилик маҳсулотлари турлари.материаллар ва асбоб-ускуналарини ўрганиш

28. Наққошликда ишлатиладиган ўлчов асбобларини ўрганиш

29. Ганчкорлик маҳсулотлари турлари.материаллар ва асбоб-ускуналарини ўрганиш

30.Пичоқчилик санъати маҳсулот турлари хом ашё материалларини ўрганиш .

### **III .Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

#### **Сервис хизмат**

1. Каштачиликда қўлланиладиган чок турларини ўрганиш.

2. Каштачиликда мерижка чоклари.

3. Зардўзликда ишлатиладиган нақш элементларини чизиш.

4. Зардўзликда композитсия эскизларини тузишни ўрганиш.

5. Зардўзликда зар тикиш усулларини ўрганиш.

6. Зардўз буюмларни тикиш технологияси.

7. Дўппи андозасини тайёрлаш.

8. Дўппи тикиш технологиясини ўрганиш.

9. Дўппи тикишда нақш элементлари чизиш.

10. Дўппини безаш усуллари

11. Қуроқ тикиш техникасини ўрганиш.

12. Ясси қуроқ тикиш усуллари.

13. Тахлама қуроқ тикиш усуллари.

14. Аппликатсия турлари билан таништириш.

15. Аппликатсияни тикиш техникасини ўрганиш.

16. Миллий қўғирчоқлар тайёрлаш технологияси

17. Қўғирчоқлар миллий либосларини тикиш, безатиш усуллари.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида

ўтилиши, мос равища муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

#### **IV.Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбекистонда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши.

2.Кандакорлик санъати. Кандакорлар томонидан тайёрланган миллий идишлар.

3.Амалий санъат мактаблари ва улардаги ўзига хосликлар.

4.Амалий санъатда наққошликтининг ишлатилиш соҳалари ва турли хил амалий санъат асарларига нақш бажариш услубларидаги фарқлар.

5.Кулолчилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни ва уларда маҳаллий ўзига хосликларнинг акс этиши

6.Кандакорлик санъати. Кандакорлар томонидан тайёрланган миллий идишлар.

7.Ёғоч ўймакорлигига тайёрланган устунларда қўлланилган нақшлар турлари ва уларнинг таҳлили.

8.Ганч ўймакорлигига безаш ишларини бажаришда ранглардан фойдаланиш ва нақшлар таҳлили.

9.Заргарлик маҳсулотларидаги безакларнинг турлари ва улардаги рамзий маънолар.

10.Темур ва Темурийлар даврида ёғоч ўймакорлиги

11.Тошкент ўймакорлигининг Хива ўймакорлик мактабидан фарқи

12.Ёғоч ўймакор усталаридан кимларни биласиз.

13.Композитсия. Композитсияда ранг, шакл ва ритм.

14.Белги ва рамзлар. Уларнинг аҳамияти, ишлатилиш соҳалари. Таълим муассасаларида қўлланиладиган белги ва рамзлар.

15.Ўзбекистонда бадиий лойиҳалаш ва дизайннинг ривожланиши

16.Буюмларни бадиий лойиҳалаш ва унга миллийлик компонентларининг таъсири.

#### **Сервис хизмати**

1.Қўлда кашта тикиш санъати.

2.Турли халқлар каштадўзлиги.

3.Халқ ҳунармандчилик турлари, уларнинг тарихи.

4.Каштачиликда қўлланиладиган чок турларини ўрганиш

5.Каштачилик ва замонавий кийимлар, уй-рўзғор буюмлари.

6.Зардўзлик санъати тарихи, ривожланиши.

	<p>7. Зардўз усталари ва зардўзлик мактаблари.</p> <p>8. Зардўзлик турли халқлар тарихида.</p> <p>9. Зардўзлик маҳсулотлари, тикиш жараёнлари</p> <p>10. Зардўзлиқда нақш композитсиялари.</p> <p>11. Замонавий кийимларда зардўзлик усулларини қўллаш.</p> <p>12. Гилам тўқиши санъати тарихи ва услублари.</p> <p>13. Ўзбекистон гиламчилиги бугунги кунда</p> <p>14. Турли халқларда гилам тўқиши санъати</p> <p>15. Дўппичилик саънати.</p> <p>16. Дўппи тикишда нақш элементлари, безаш усуллари</p> <p>17. Қуроқчилик тарихи. Ўзбекистон турли вилоятларида қуроқ тикиш усуллари, буюмлари</p> <p>18. Турли халқларда қуроқ (печворок, квилт, аппликатсия) техникасида буюмларни композитсиялари.</p> <p>19. Миллий қўғирчоқлар тарихи.</p> <p>20. Турли халқларда қўғирчоқлар тарихи</p> <p>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.</p>
--	--

3.	<p><b>VI Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)</b></p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш фани Халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликда кенг тарқалган нақш турларини чизма асбоблари билан ва улардан фойдаланмасдан бажариш кўнимкамларини шакллантириш ва шу кўнимкамлардан ўкув жараёнида тайёрланган буюмларни безашда фойдаланишга ўргатиш;</li> <li>халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалашнинг инсон фаолияти ва меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятидаги ўрни; Ўзбекистонда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик мактаблари ва уларни ривожланиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари; наққошлиқ санъати, нақш турлари ва улардаги рамзий маънолар, нақшларни бажариш босқичлари ва нақшни тахт қилиш; ёзувларнинг вужудга келиш ва ривожланиш босқичлари, шрифт турлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар; дизайн ва бадиий лойиҳалашнинг турмушдаги ва меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятидаги аҳамияти; буюмларни бадий лойиҳалаш методлари; белги ва рамзлар, саноат графикаси асослари, ҳажмли макет тайёрлаш асослари бўйича <b>тасаввур ва билимга эга</b></li> </ul>
----	--

	<p><i>бўлиши;</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда замонавий халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик мактаблари ва уларни ривожланиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари; нақошлик санъати, нақш турлари ва улардаги рамзий маънолар, нақшларни бажариш босқичлари ва нақшни таҳт қилиш; ёзувларнинг вужудга келиш ва ривожланиш босқичлари, шрифт турлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талабларга; материалларнинг юзаларига қўлда ва механик ишлов бериш <b>кўникмаларига эга бўлиши;</b> талаба халқ амалий санъатида ишлатиладиган кесувчи асбобларининг тузилиши ишлаш жараёнларни таҳлил қилиш усусларини қўллай олиш малакасига <b>эга бўлиши керак.</b></li> <li>• Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш фани халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликда кенг тарқалган миллий халқ ҳунармандчилик турларини, йўналишларини, ривожланиш босқичларини, каштадўзлик ва зардўзлик мактабларини, зардўзлик, дўпидўзлик, қуроқчилик саънатлари тарихини, маҳсулот турларини, нақш тушунчаларини ва нақш турларини ва элементларини чизишни <b>билиши керак;</b></li> <li>• Ўзбек миллий каштачилиги тарихини, каштачиликда безак буюмлари турларини, газлама ва ип танлаш қоидаларини, зардўзлик, дўпидузлик тикиш технологиясини, қўлда бажариладиган оддий амалларни бажара олиш, буюмларда нақш композитсиясини тузиш қоидаларини, асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланиш <b>кўникмаларига эга бўлиши керак;</b></li> <li>• Халқ амалий безак саънати маҳсулотларини, қўлда бажариладиган чок турларини амалда бажариш, нақш алифбосини, ранглар мазмунини, кашта, зардўз, қуроқ техникасидан фойдаланиб турли анжомлар тикиш, композитсиясини тузиш <b>малакаларига эга бўлишлари керак.</b></li> </ul>
4.	<p><b>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маъruzalар;</li> <li>• интерфаол методлар, кейс-стадилар;</li> <li>• семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);</li> <li>• грухларда ишлаш;</li> <li>• тақдимотларни қилиш;</li> <li>• индивидуал лойиҳалар;</li> <li>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.</li> </ul>

5.	<p><b>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</b></p> <p>Фанга оид назарий ва услугий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш важорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.</p>
6.	<p><b>Асосий адабиётлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Garfield Simon. Just my type: a book about fonts. – London, 2010, 352 pp.</li> <li>2. Paul Hughes, Ghislaine van Drunen. Dynamik identities. How to create a living brand. – Amsterdam, 2012, 48 p.</li> <li>3. Шоёқубов Ш.К. Ўзбек халқ амалий-безак санъати. – Т., 2009</li> <li>4. Шоёқубов Ш. Замонавий Ўзбекистон миниатюраси. – Т., 2006</li> <li>5. К.М. Абдуллаева, М.А. Максумова, М.Рахимжонова «Газламага бадий ишлов бериш» Т., «Чўлпон», 2011 й.</li> <li>6. Д.Муродова «Ўзбекистон дўппилари», Т., «Ўқитувчи», 2004.</li> <li>7. С. Булатов «Ўзбек халқ амалий безак санъати», Т., «Меҳнат» 2001.</li> </ol> <p><b>Қўшимча адабиётлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>15. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда қурамиз. Т.: „Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.</li> <li>16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: „Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.</li> <li>17. А.Ҳакимов «Ўрта Осиё Республикаларининг замонавий безак санъати» Т., 1988.</li> <li>18. Уй-рўзғор Энциклопедияси. Т., 1982.</li> </ol> <p><b>Ахборот манбаалари</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>19. <a href="http://specural.com/">http://specural.com/</a></li> <li>20. <a href="http://www.prikladmeh.ru/lect17.htm">http://www.prikladmeh.ru/lect17.htm</a></li> <li>21. <a href="http://sneek.ru/">http://sneek.ru/</a></li> <li>22. <a href="http://www.study.uz">http://www.study.uz</a></li> <li>23. <a href="http://www.uz">http://www.uz</a></li> <li>24. www Ziyo.net</li> <li>25. <a href="http://www.talaba-qmii.narod.ru">http://www.talaba-qmii.narod.ru</a></li> </ol>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг</p> <p>202__ йил “___” ____ даги ___ - сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг</p> <p>202__ йил “___” ____ даги ___ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан</p>

	дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.
8.	<p><b>Фан/модуль учун маъсулар:</b></p> <p>Р.Г. Исянов - ТДПУ, “Технологик таълим” кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент</p> <p>Ф.М.Абдуқодиров - ТДПУ, “Технологик таълим” кафедраси катта ўқитувчиси</p> <p>Х.Т.Тўлқинова - ТДПУ, “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси</p>
9.	<p><b>Тақризчилар:</b></p> <p>М.Мухлибоев - ГУЛДУ, “Технологик таълим” кафедраси мудири, п.ф.н, доцент</p> <p>В.Н.Сатторов – ТТЕСИ, “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси доценти</p>

*Узлуксиз таълим тизимида “Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фан дастурининг мазмун моҳияти, мавзуларининг мантиқий кетма-кетлиги ва узвийлиги таъминланган ҳолда, ҳамда таълим олувчиларда шакланиши зарур бўдадиган билим, кўникма ва компетентликлар даражасини аниқ белгилаш ишлари амалга оширилган*